

«ТАСДИҚЛАНГАН»

“O‘ZBEKISTON TEXNOLOGIK METALLAR  
KOMBINATI” AKSIYADORLIK JAMIYATI

(эмитентнинг номи)

Ягона таъсисчи: “Olmaliq KMK” AJ

Бошқарув раиси

А.А. Хурбанов

2024 йил \_\_\_\_\_ -сон

М.Ў.



«РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Истиқболли  
лойihalар миллий агентлиги томонидан

Директорнинг биринчи ўринбосари

В.Ю. Цак

2024 йил \_\_\_\_\_ -сон

М.Ў.



АКЦИЯЛАР ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР

“O‘ZBEKISTON TEXNOLOGIK METALLAR KOMBINATI”  
aksiyadorlik jamiyati

Идентификация рақами берилди:	R	U	1	0	1	P	1	0	6	1	T	8
----------------------------------	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 100 сўмдан бўлган, 2 574 591 091 дона эгасининг номи ёзилган  
ҳужжатсиз оддий акциялар.

Мазкур чиқарилишдаги акциялар ёпик обуна усулида жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган:

Жамият ягона таъсисчисининг 2024 йил 30 августдаги 4 -сонли қарори билан  
акциялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган ва қарор тасдиқланган.

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва  
электрон почта манзили: 111709, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти,  
Чирчиқ шаҳри, В.Хайдаров кўчаси 1-уй. Телефон: (+99890) 993-95-58, электрон почта  
манзили: info@uztmk.uz

Бошқарув раиси

Бош ҳисобчи

Ф. Абдуллаев

М. Юсупова



Сана: \_\_\_\_\_

**1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):** оддий

**2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли:** хужжатсиз

**3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм):** 100 (юз)сўм

**4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона):** 2 574 591 091 (икки миллиард беш юз етмиш тўрт миллион беш юз тўқсон бир минг тўқсон бир) дона

**5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм):** 257 459 109 100 (икки юз эллик етти миллиард тўрт юз эллик тўққиз миллион бир юз тўққиз минг юз) сўм

**6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:**

Жамият акциядори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- акциядорлари реестрига киритилиш;

- депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;

- фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;

- жамият тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш орқали жамият бошқарувида иштирок этиш;

- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;

- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- ўзига етказилган зарарни ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида бирлашмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;

- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан, бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни суғурта қилиш.

Жамиятнинг оддий акциялари эгалари бўлган акциядорлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва Жамият уставида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эгадирлар.

**7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставидаги ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:**

Жамият Уставида ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан ҳеч қандай чеклашлар мавжуд эмас, акциялар чиқариш тўғрисидаги қарорга мувофиқ ушбу чиқарилишдаги акциялар жамиятнинг ягона таъсисчиси бўлган “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖга ёпиқ обуна усулида жойлаштирилади.

**8. Жамият устав капиталининг миқдори (сўм):** 257 459 109 100 (икки юз эллик етти миллиард тўрт ууз эллик тўққиз миллион бир юз тўққиз минг бир юз) сўм

**9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):**

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши биринчи чиқарилишдир.

**10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):** Жамият томонидан илгари облигациялар жойлаштирилмаган.

**11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.**

**11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очиқ ёки ёпиқ обуна):** Ушбу акциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2024 йилдаги ПҚ-182-сон қарорига ҳамда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖга ёпиқ обуна усулида қимматли қоғозларнинг биржадан ташқари уюлмаган бозорида фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузган ҳолда жойлаштирилади.

**11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан

Ўтказилган санасидан бошлаб 270 (икки юз етмиш) кун ичида жойлаштирилади;  
*Жойлаштиришнинг бошланиш санаси* — мазкур акцияларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган кун;

*Жойлаштиришнинг тугаши санаси* — ушбу чиқаришнинг охириги акцияси жойлаштирилган куни ҳисобланиб, ушбу сана акцияларни жойлаштиришни бошланиш санасидан бошлаб 270 (икки юз етмиш) кундан ошмаслиги лозим.

**11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар “O‘zbekiston texnologik metallar kombinati” aksiyadorlik jamiyatining yangi tashkil etiladiganligi munosabati bilan jamiatning yagona taъsischisi бўлган “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан бериладиган мол-мулклар ҳисобига жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштириш биржадан ташқари уюлмаган бозорда фуқаролик-хукукий битимлар тузиш орқали амалга оширилади,

**11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-хукукий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:** Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси акциядорлик жамияти манзили: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 107, Тел.: (998) 71 267 37 42, (998) 71 267 35 92

**Қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:** «ALP OMAD INVEST» масъулияти чекланган жамият. Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Тафаккур кўчаси, 2-уй 11-хонадон. Телефон – +998 71 231 01 39, +998 95 811 99 55, e-mail: [info@stockinvest.uz](mailto:info@stockinvest.uz), веб-сайт: [stockinvest.uz](http://stockinvest.uz);

**11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштириладиган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акцияларни жойлаштиришда, имтиёзли ҳуқуқ қўлламайди.

**11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар номинал қиймати бўйича, яъни ҳар бири 100 (бир юз) сўмдан жойлаштирилади.

**11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:** Ушбу чиқарилишдаги акциялар асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.05.2024 йилдаги ПҚ-182-сонли қарорига асосан “Олмалик кон-металлургия комбинати” АЖнинг нодир металллар ва қаттиқ қоришмалар ишлаб чиқариш бўйича илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси мол-мулкларини бирлашма негизда ташкил этилган “O‘zbekiston texnologik metallar kombinati” aksiyadorlik jamiyati балансига бериш орқали амалга оширилади. Жамият таъсисчиси “O‘zbekiston texnologik metallar kombinati” aksiyadorlik jamiyati устав капиталига жамиятнинг Устави ва топшириш-қабул қилиш далолатномаларига мувофиқ белгиланган мол-мулкларнинг барчасини киритади. Шунга кўра, ушбу чиқарилишдаги акциялар жамият таъсисчиси томонидан номинал қийматида тўлиқ тўланган ҳисобланади.

**11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:** Ушбу акциялар чиқарилиши амалга олмаган деб топилган тақдирда тўлов сифатида қабул қилинган тўлов воситалари қонунчиликка белгиланган тартибда топшириш-қабул қилиш далолатномаси орқали 10 (ўн) кун ичида қайтарилади.

**12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:** Акцияларнинг чиқарилиши тўғрисидаги маълумотлар акциялар чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин Корпоратив ахборотлар ягона порталида (<http://openinfo.uz>) ва жамиятнинг расмий

веб-сайтида ([www.uztmk.uz](http://www.uztmk.uz)) эълон қилинади. Шунингдек, акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорнинг асли билан Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, В.Хайдаров кўчаси 1-уй манзилда жойлашган “O’zbekiston texnologik metallar kombinati” aksiyadorlik jamiyatining маъмурий биносида танишиш мумкин.

**13. Бошқа маълумотлар.** Кўзда тутилмаган

